

Хар кунини Қадр қиубон,
Хар кунини қисми Наврўз.

Амшер Навоий

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУШ

Mart						
D	3	10	17	24	31	
S	4	11	18	25		
Ch	5	12	19	26		
P	6	13	20	27		
J	7	14	21	28		
Sh	1	8	15	22	29	
Y	2	9	16	23	30	

11

(274)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: huquq@infonet.uz



НАВРЎЗ АЙЎМИНТИЗ
МУБОРАК БЎЛЕМИД, АЗИЗ
КОРТДОШИЛАР!

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

2003 йил 12 март куни Бош прокурор ўринбосари Ҳамиджон Нейматов БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарининг ўринбосари Бертран Рамчаран ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси ходимлари Рада Дэй ва Александр Тихоновларни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши ва давлатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бу борада БМТ ва унинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан бундан кейинги ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди. Жаноб Б.Рамчаран прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш фаолиятидан қониққанлигини баён қилди.

13 март куни Республика Бош прокуратурасида Япониянинг ЈІСА халқаро ташкилоти лойиҳаси доирасида Нагоя университети профессорлари Тамаёши Ито ва Катсуя Ичихаши қабул қилинди.

Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов, бошқарма ва бўлим бошликлари И.Жасимов, С.Ортиқова, А.Мухамедовлар Ўзбекистондаги олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг моҳияти, янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган вазифалар ва япониялик олимлар билан ҳамкорликда тайёрланаётган Савдо кодекси лойиҳалари юзасидан батафсил ахборот бердилар.

Япониялик олимларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Учрашув якунида меҳмонлар Республика Бош прокуратураси музейига ташриф буюрдилар.

14 март куни Республика Бош прокуратурасида АҚШ Адлия вазирлигининг Ўзбекистондаги маслаҳатчиси Синтия Стоун билан учрашув ўтказилди. Учрашувда иккала мамлакат прокуратураларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, терроризмга қарши қаратилган қонунларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатилишига қарши курашда давлатларимизнинг ҳамфикр эканлиги таъкидланди.

Давлатларнинг ўзаро стратегик ҳамкорлиги натижасида АҚШ Бош прокуратураси, Хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари мутахассислари кейинги бир йил мобайнида Ўзбекистон Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида тахсил олаётган прокуратура ходимларига ўзларининг билим ва тажрибаларини ўргатишмоқда.

Сўхбат сўнггида С.Стоун хоним келажакда иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораверида дея умид билдирди.

(Ўз муҳбиримиз)



15 март куни мамлакатимизда Обод маҳалла йили муносабати билан умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда минг-минглаб ватандошларимиз иштирок этиб, кўча, маҳалла ва қабристонларни ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан, Республика Бош прокуратураси ходимлари ҳам шу куни идора ҳовлисини тартибга солишти, янгидан қурилаётган прокуратура спорт майдончасида қурувчиларга ёрдам берилди.

Суратда: ҳашардан лавҳа.

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат

Ушбу сондаги Наврўзга бағишланган суратлар фотомуҳбиримиз А.Тўраевнинг архивидан олинди.



НАВРЎ тароҳиди

Кўпчилик ватандошларимиз сингари сирдарёликлар ҳам Наврўз байрами хурсандчилик билан кўтиб олмакдалар.

СИРДАРЁ вилоят ҳокимининг матбуот котиби Баҳром Тўраевнинг маълумот беришича, байрамолди ободонлаштириш ишларига корхона, ташкилот, ҳўжалик, ўқув юртли ва маҳаллаларда 150 миң киши жалб қилинган. Йўллар ва далалар четига экилаётган терак, тут, арча кўчатлари вилоятнинг ақин йиллардаги ҳуснига хусн кўшиши турган гап.

Ғулистон шаҳрида қад ростлаётган «Маънавият ва маърифат маркази» биноси қурилиши ҳам аяқланай деб қолди.

Тан олиб айтиш кераки, бир неча йиллардан буюн сирдарёлик деҳқонлар кўзланган натижаларига эришолмаяптилар. Сирдарёнинг шухратини тиклаш мақсадида бу йил катта ишлар амалга оширилмоқда. Айнан Наврўз байрами арафасида қариб олти миң гектар ерда плёнка остига чигит экиш яқунланиши мўлжалланмоқда.

Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган Ғулистон шаҳридаги Марказий хиёбон ва боғда иш қизғин. Бу ерда байрамнинг бош саҳнаси ўрнатилди. Айни пайтда театрлашган томошалари кўздан кечириш жараёни бормоқда. Шунингдек, шаҳар четидидаги «Анор» томошагоҳида ҳам байрам концерти бўлиб ўтиши кўтилмоқда.

Байрам арафасида қариялар ва муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш вилоятда яхши аънамага айланган. Бу йил ҳам бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари Ғулистондаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари хузурда бўлдилар. Ҳомийлар берган соғвалар болаларни хушнуд этди.

Шунга ўхшаб мурувват тадбирлари вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам амалга оширилмоқда.

— Илоҳим, баракасини берсин, — деди дуо сўнгига Раҳмонали бобо. — Бошла-чи, Наврўз! Экишга тайёрланган ёш хурмо боғи полига ўн-ўн икки яшар болакай бир ҳовуч рамзий барака уруғини сепди. Сўнгра трактор ортига тиркалган сеялкага, дадаси Раҳмат аканинг ёнига чиқиб олди. Ҳасан тракторчи «бисмиллоҳ» деб моторни ўт олди.

Наврўз камдан-кам учрайдиган исмлиги учунми, бободан қизиксиниб сўрадим:

— Нимага неварангининг исмини Наврўз қўйгансиз? — Ҳар қадамидан барака унсин деб. Наврўз уч ёшга тўлиб, шу ерни боғ қилганимдан бери кўнглим тўқ. Худога шукур, битта акаси Тошкентда, битта опаси Фарғонада институтда ўқишяпти. Ўзиям аълочи. Худо хоҳласа, олим бўлади! **Богбон бобонинг тийрак кўзларида ўғил-қизлари, невараларининг бахту-иқболи жилваланади...**

ҚАДАМИДА БАРАКА УНАДИ

Наврўз дилларга эзгулик ниҳолларини экиб, парваришлаб, ҳосилдан барчани бахраман қилиб, кўнгилларни офтоб янглиг мунавар этади. Меҳр-оқибат, саховат дастурхонини ёзади.

Наврўз катта-кичик ёшдаги, феъл-атвори, дунёқараши, касб-кори, орзу-истаклари турфа ва бетакрор маҳалладошлар, ҳамқишлоқлар, ҳамшаҳарлар бошини қовуштириб, яратувчилик, бунёдкорлик ишларига чорлайди. Ҳамшаҳарлар Фарғонанинг боғ кўчаларидаги азим чинорлар оралиғига кишин-ёзин яшнаб турувчи арча ниҳолларини экишяпти. Марғилонсой соҳилида Ёшлар хиёбонига монанд Болалар хиёбони, шаҳар хуснини янада очиб юборадиган Ёшлар маданият ва спорт саройи, спорт коллежи, Миллий банк бинолари тикланмоқда. Янги ишчи ўринлари яратилиб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантирадиган «Автоўйна», «Белтэкс» қўшма корхоналари, «Аммиак селитраси» корхонаси қурилиши жадаллаштириляпти.

Байрам тадбирларидан бири — мактаб ўқувчиларининг энгил атлетика бўйича мусобақаси яқунловчи босқичга кирди. Фарғонанинг марказий кўчалари югуриш

райси Азамат ака Йўлдошев. — Буни болаларимизнинг хулқ-атворида ҳам кўриш мумкин. Биронта ҳуқуқбузар боламиз йўқ. 13-мактабда 1-синфда ўқитган қизимизнинг иқтидорини юқори баҳолаб, бирдангига учинчи синфга ўтказишди. Бу «Аълочи ўқувчи» маҳалла стипендиясини жорий этишимизга туртки бўлди. Маҳаллаимиз болалари шаҳардаги 8 та мактабда ўқишади. Турли мактаб ўқитувчиларидан иборат ҳайъат тест синовида аълочи ўқувчиларни аниқлайди. 1-синфдан 10-синфгача 56 нафар аълочи ўқувчига миң сўмдан стипендия тайинлади. Уларни Наврўз кунлари вилоятимизнинг тарихий



бўйича беллашувга чиққан болалар ва томошабинларнинг байрамона кайфиятидан ўзгача файзулароват касб этди.

«Энг яхши маҳалла», «Энг яхши оила», «Ибратли келин» каби қўриқ-танловларнинг ғолиблари аниқланмоқда. Фарғона шаҳридаги «Ўрмончилар» маҳалласи ташаббускорлиги, ибратли ишлари билан тилга тушган.

— Маҳаллаимизнинг яхшилиги одамларимизнинг яхшилигидан, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини

қадамжоларига саёхатга олиб бориб, юртимиздан фахрланаш туйғусини сингдираймиш. Бундай рағбатлантиришнинг самараси шу бўлдики, маҳаллаимиз болалари пухта билим олишга интилиб, бир-бирларидан ўзишяпти...

Раҳмонали бобо ният қилганидек, улар ҳар қадамидан барака унадиган зуқко ва билимдон инсон бўлиб етишадилар деб беҳитиб кўнглимдан ўтказдим.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«HUQUQ» муҳбири

Ҳазрат Алишер Навоий ижодида «Ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» деган сатрлар бор. Бу тилаклар бежиз эмас, албатта. Мусулмон тақвими бўйича Рамазон ойларнинг сараси саналади. Ундаги Қадр кечасининг фазилатлари бехисобдир. Айнан шу кечада Аллоҳнинг китоби — Қуръони карим пайғамбаримизга нозил қилина бошланган. «Ҳар тунинг Қадр ўлубон» дەر экан, бобомиз бизнинг ҳар тунимиз ана шундай хосиятли бўлишини тиламоқда. «Наврўз» эса форс тилидан олинган бўлиб, «янги кун» демақдир.

Дарҳақиқат, Наврўз — ёшариш ва янгиликнинг, мавжлининг ва нафосат байрами. Шунинг учун ҳам жамики одамзот, ўсимлик ва ҳайвонлар Наврўзнинг ташриф буюришини чексиз интизорлик билан кутади.

Наврўз — Марказий Осиё, Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Шимоллий Ҳиндистон ва бошқа халқларнинг узок тарихий ўтмиши билан боғлиқ умумхалқ байрамидир. Наврўз 4000 йилдан зиёдроқ тарихга эга бўлиб, куёш солнома-сига биноан пайдо бўлган. Ой солномасига асосланган айёмларимиз йилнинг турли фаслларида ташриф буюриши мумкин, бироқ Наврўз айёми домим бир вақтда, яъни 21 мартда келади. Куёш солномаси бўйича осмон 12 буржга бўлинган бўлиб, унинг дастлабки ойи Ҳамал ва энг сўнгги ойи Ҳутдир. Куёшнинг Ҳут буржидан Ҳамал буржига ўтиши — янги йилнинг бошланиши, яъни

1.Ҳамал. 2.Савр. 3.Жавзо. 4.Саратон. 5.Асад. 6.Сунбула. 7.Мезон. 8.Ақраб. 9.Қавс. 10.Жадий. 11.Давл. 12.Ҳут.

Осмон жисмлари доимий ҳаракатда бўлганлиги учун уларнинг ерга ва айни пайтда ер юзидида барча жонотларга нисбатан таъсир кучи ҳам ўзгариб туради. Ҳатто, ҳар бир инсоннинг характер ва хулқ-атво-

ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

рида, шу орқали уларнинг ҳаёт тарзи ҳам муайян из қолдиради. Мунажжимларнинг башоратлари ҳам ана шу сайёраларнинг ҳаракати ва ҳолатига асосланади.

Наврўз келганда: ер юзидидаги дарахтлар, буталар аста-секин куртак отиб, янги либосга бурканади. Дарахтларнинг баъзи турлари аввал гуллаб, сўнгра барг чиқаради, яъни янги ҳосилга замин тайёрлайди;

таёрлаб, дастурхон безайдилар, дошқозонларда Наврўзнинг тансиқ таоми — сумалак қайнайди;

нафосат, поклик ва саранжом-саристалик тилмолари бўлган қиз ва жувонлар, аёлларимиз эса соҳларига толбаргаклар тақиб, борлиқнинг хуснига хусн қўшадилар.

Демак, Наврўз — энг нозик ҳис-туйғулардан тортиб, бутун оламнинг янгиликанишидир. Наврўзда хо-надон, кўча-қўй, маҳаллаларимиз ободонлаштирилади. Бу айёмнинг яна бир фазилати шундаки, унда нафақат тириклар эъзозланади, балки марҳумларнинг ҳам муқаддас хотиралари улуғланади.



Эндигина қордан бўшаган қир-адирлар узра эсаётган майин шабаданнинг шивириди ҳам, баланд тоғлардан оқиб келаётган сой-ирмоқларнинг шарқироқ қўшиғиди ҳам Наврўз севинчи. Ҳализамон кун ва тун тенглашади. Зомин, Бахмал, Форш адирларидан чўпон-чўликлар тушиб келишади. Катта тўй бўлади. Эзгу ниятлар билан барпо этилган Жиззах отчопари улоқчи чавандозларга тўлади.

Жиззахнинг кўрки бўлган «Боғишамол» узра ноғора, сурнай навоси янғрайди. Ҳализамон нимпушти либосга буркана бошлаган кўҳна воҳада миң-миңглаб ўриқлар гуллайди. Бу гулларга маҳлиё бўлган шоир ўзининг сеҳрли сатрларини маржондек тизади:

Юзларимни силаб-сийпаলাб,
Бахтинг бор деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб
қушлар чуғурлар.

Ҳализамон Арнасой, Еттисой даштларидан келган оқинлар кўбизидан маст бўлган бахшилар қўлида дўмбира билан бўзлай бошлайдилар. Алп келбатли повлонлар беллашувидан еру-қўқ ларзага келади. Уларнинг ҳайқиригидан чўчиган қушлар кўк бағрида шодон чарх уришади.

Жиззахда ҳар баҳор шу янглик кўтиб олинади. Ишонверинг, ҳали миң-миңглаб баҳорлар шундай ўтади. Уша чоғлар ҳам ўрик гулларига маҳлиё шоир боғ кезиб, дилбар байтлар битидаи:
...Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин...

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«HUQUQ» муҳбири

бўлган кишилик дунёси янада гўзаллашиб, эзгу ниятлар билан тўлиб-тошиб меҳнат қилишга киришади; деҳқон далага чиқиб, янги ҳосил учун уруг элгади, қорвадор қўй-қўза, йилқи, подасини яйловга ҳайдаб, тўёқларини кўпайтиради, улардан бахра олиб севинилади;

пазандалар исмавоқ, ялғиз каби кўк ўтлардан янги-янги таомлар

Баҳодир СУЮНОВ,
ТДОУ катта ўқитувчиси



БАҲОРНИНГ АЖОЙИБ КУНЛАРИ

(туркумдан)

Осмон яйловида оппоқ булутлар
Бўғзига қадалган куёв тиллари,
Уфқ тарс ёрилди кизгиш сукутдан
Ерга тўкилади шафақ чўғлари —
Мен сени олчазор ичида кутдим...

Замин яшил дафтар — тирик саҳифа.
Хар гиёҳ илдизи — юракдаги сўз!
Баҳорга айланмоқ менинг вазифам,
Урижон, кўнгилни ўғирлаган қиз,
Майлими, гулингга лабимни тутдим.

Бир ажиб атиргач айланди савр —
Майсалар дунёга қилади ҳамла.
Хушидан айрилди қайси мусаввир —
Кўксини ланг очиб гуллади олма...
Бир ўзим олмазор ичидан ўтдим.

Чимилдикқа кирган қиздай кимтинди,
Илк бор пушти камзул кийди шафтоли.
Бошим гир айланди, нигоҳим тинди,
Чарх урар қалдирғоч — баҳор тумори.
Чиндан шоир бўлдим — ўзни унутдим.

Жоним, баҳорим, кел! Нурга тўламан
Юрак ёрилмас — ўлмай қоламан.
Кўшнинг қўлига битта шеър тутиб
Ўқи, ўқи дейман, олов бўламан,
Бир ўзим шафақни, оловни ютдим.



БАҲОРИМ

Кўз очган куртақлар
кўзимга чирой,
Булбуллар баёти
сўзимга чирой.
Тогда қолган қорлар
энди хуш қолинг,
Келдингми мунисам, онам, кўкламой.
Биз сени соғиндик, эй хокисорим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?

Сенингсиз ёзнинг ҳам ёзғили ёлгон,
Кузнинг этагига тўкилмас хазон.
Қишнинг эртагини ким ҳам тингларди,
Бағрида баҳорни кўрмасам омон.
Орази офтобим, кўзи хуморим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?

Ёмғирларинг бошқа, чақмоғинг бошқа,
Булбуллар ярашган қабоғинг бошқа.
Чехрангдан айланай, жоним Момо Ер,
Ялғизлар ярашган ёноғинг бошқа.
Кўзларга сизмаган гулим, гулзорим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?

Майсанинг, чечакнинг, гулнинг эгаси,
Ошиқлар ахтарган бахтнинг бекаси.
Мен сени ҳаммадан кўпроқ соғиндим,
Тўрт фасл ичинда кўнглим эркаси.
Топилган туморим, атрим, ифорим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?



Махмуд ТОИРОВ

БАҲОР

Озод, эркин қанот қоққан бургутларга,
Кескир, ўткир чақмоқ чаққан булутларга,
Яйраб-яшнаб кўкка боққан кўк ўтларга,
Файрат бўлиб ярашибсан, жоним баҳор,
Хайрат бўлиб қарашибсан, шоним баҳор.

Дардларимни унга ёздим, сизга ёздим,
Дўстларимга, жўраларга, бизга ёздим.
Баҳор отлик дуркун, қаймоқ қизга ёздим,
Қулиб келдинг, жон тасаддуқ, сўлим баҳор,
Тўлиб келдинг, дўсти содик йўлим баҳор.

Кўк ялғизлар менинг эрка сингилларим,
Дала-дашдайд яйраб-яшнаб кўнгилашим.
Бўзаланганда қолиб кетган кўп гулларим,
Мен уларни орғиқ ерга ёздим, баҳор,
Қалбим билан боғлиқ ерга ёздим, баҳор.

Карвонларим, кетган менинг карвонларим,
Ўтган менинг қанча даврон, хуш онларим,
Йўлда қолган азиз дўсти ёронларим,
Ширин эртақ, хушбўй чечак сўлим баҳор,
Ўпиб, суйиб кўлга олган гулим баҳор.

Бу дунёнинг эртақлари жуда сирли,
Эрмаклари, чўпчаклари турли-турли.
Бир эртақ бор барчасидан ёркин нурли,
Шу эртақнинг қанотида ўсдим, баҳор.
Бугун уни сенга бердим, дўстим баҳор.

Энди яна авж пардада куйлар торим,
Шеърим менинг қарсиллаган тановарим.
Бир гўзалга дардларимни айтгин бориб,
Сендай гуллаб-яшнаб борар кўнглим баҳор,
Дўстим баҳор, ёрим баҳор, синглим баҳор.

АБДУХОЛИК



СУЮКЛИГИМ

Кўчкор НОРҚОБИЛ

ВАТАН

Хар гиёҳинг, тупроғинг
Мен учун суюқ, Ватан.
Бу дунёда ягона
Ўзингсан, буюқ Ватан.

Ер юзининг кўркидир
Қамолнинг, эй она-юрт.
Қорачуғимда сенинг
Жамолнинг, эй она-юрт.

Қўлимга қалам олиб
Ошкор этсам севгимни,
Достонлардай қабул эт
Шу бир кичик шеъримни.

Гулноза
ЭГАМБЕРДИЕВА



ТЎРТЛИКЛАР

Гоҳо аҳвол сўрар набирам, қизим,
Кўнгилдан не кечар — билурман ўзим.
Бу хаста юракнинг парчаларидир
Қоғозларга кўчган армоним — сўзим.

Суюқлигим, суюб сизни суюқлигиз бўлолмадим,
Бағрим ўтда куйди, куйиб, куюқлигиз бўлолмадим.
Ўнгда эмас, жамолнингиз тушда кўриб тўёлмадим,
Ишқим эшик қоқиб борса, уйингизга кўясизми?
Наҳот биздан ранжидингиз, бегонани суясизми?

Севдим десам, самоларга ўрлаб кетди дил оҳларим,
Манглаймдек шўрми эди, шўрлаб кетди дил тоғларим.
Ишқда мендан ўзиб кетди, ошноларим, ўртоқларим,
Ишқим эшик қоқиб борса, уйингизга кўясизми?
Наҳот биздан ранжидингиз, бегонани суясизми?

Қалдирғочнинг инларида қолиб кетди орзуларим,
Ҳаловатим ўзлари-ла олиб кетди орзуларим,
Тақдир деган ёзуғлардан нолиб кетди орзуларим,
Ишқим эшик қоқиб борса, уйингизга кўясизми?
Наҳот биздан ранжидингиз, бегонани суясизми?


Ўзгаларга сўзламасман ҳасратларим, дардларимни,
Хатто сизга варақлатмам дилгинамнинг қатларини,
Капалакнинг қанотига ёзиб кетай хатларимни,
Ишқим эшик қоқиб борса, уйингизга кўясизми?
Наҳот биздан ранжидингиз, бегонани суясизми?

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

Исматилло
ЙЎЛДОШЕВ

Митти тимсолидир ҳаётнинг шахмат,
Унда ҳам тартиблар жуда зиёда.
Мўлтонни шоҳларнинг фитнаси сабаб
Бекор ўлиб кетар шўрлик пиёда.

Иймонсиз ҳамсоя кўшнинг ўғри дер,
Ўғрини тўғри дер таъмағир қози.
Эзгулик, тубанлик қоришиб кетса
Бўғилиб қолади виждон овози.



Қизғалдоқдай эдинг бир пайтлар, хумор-
Хумор боқар эдим ёниқ хуснингга.
Ўн саккизда эдим, тўнлари бедор
Исмимни айтардим қўшиб исмингга.


Қизғалдоқдай эдинг, хайратланардим,
Энг гўзал шеър эдинг — анг гўзал наво.
Шеърга ошиқ эдим, севардим, лекин
Сени ўзимгаям кўрмасдим раво.

Турналар учарди қурейлаб-қуйлаб,
Недан мутаассир титрарди қаддинг?
Ёнингда турсам-да сен ҳақда ўйлаб,
Қўлингдан тутмоққа бормиди ҳаддим...

Бугун орамизда ўн саккиз фасл,
Сен йўқсан ёнимда, нетайки, лолман.
Киприklarим аро ёнар бир расм —
Қўйлагинг ям-яшил, дуррачанг алвон!

Ҳасан ҚАРВОНЛИ

Юнус АБДУЛЛАЕВ — ҳуқуқшунос. Узоқ йиллар республика прокуратура идораларида хизмат қилди. Бетоблиги боис вақтинча даволаниш билан машғул. Аммо чиройли, нафис шеърлар ёзиб чарчамайди.



ЁМҒИРДАН СЎНГ...

Хувиллаган бўм-бўш қалб,
Энди бўлмас ўт қалаб.
Қанча баҳор, ўтди ёз —
Адашдим-ей кун санаб
Хувиллайди сенсиз қалб.

Недан жунжикар кузак,
Игна санчилган юрак.
Менинг етмоғим мушкул —
Сенинг қолмоғинг бешак,
Игна учида юрак.

Деразам ёнида куз,
Бўғимда хотган бир сўз —
Сенга аталган, лекин
Бошқа кўзга тушмас кўз,
Пешонамда турар куз...

Шивалаб бошлар ёмғир,
Нолиш куйга уланур.
Сўнгра қалбим қаъридан
Суратинг сочади нур —
Шивиллаб тингач ёмғир...

РЕКЛАМА

ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
ЯШАРИШ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ –
НАВРЎЗИ АЙЁМ БИЛАН
САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ.**

ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

TPS «ТЕХНОПРОСИСТЕМ»
масъулияти чекланган жамияти

Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги майдони,
Олмазор маззеси, 8/1.
<http://www.tps.uz>
Тел: 136-01-23

**Ўзбекистон халқини
Наврўзи айём билан
қутлайди**

www.woldeemart.km.ru

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'isichilar:

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

**Abduxoliq
ABDURAZZOQOV**

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:
133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga

qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.

«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyat-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida ofset usulida A-3
formatda chop etildi.

Korxonalar manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma № - 3149
Nusxasi — 20108

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.00

